

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

628 **Ҳаво кемаларида почтани ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
26 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2530*

Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 17-сон, 209-модда), Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 6-сон, 247-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ҳаво кемаларида почтани ташиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Алоқа, ахборотлаштириш ва
телекоммуникация технологиялари
давлат қўмитаси раиси**

Х. МИРЗАХИДОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 21 октябрь,
57-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация
технологиялари давлат қўмитасининг
2013 йил 21 октябрдаги 57-мх-сон қарорига
ИЛОВА

**Ҳаво кемаларида почтани ташиш
ҚОИДАЛАРИ**

Ушбу Қоидалар Умумжаҳон почта конвенцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 17-сон, 209-модда) ва Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 6-сон, 247-модда) мувофиқ почта алоқаси операторлари, провайдерлари ва авиакомпаниялар ўртасидаги ўзаро муно-

сабатларни тартибга солади ва ички ҳамда халқаро ҳаво линиялари орқали фуқаро ҳаво кемаларида почта ташиш тартибини, почта алоқаси операторлари, провайдерлари ва авиакомпанияларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидаларнинг амал қилиши почта алоқаси операторлари, провайдерлари ва авиакомпанияларга тааллуқлидир.

2. Ушбу Қоидаларда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

авиакомпания — ташишга доир ҳужжатларни расмийлаштирувчи ва ташувчининг ўзи, унинг агенти ёки бошқа ташувчи томонидан расмийлаштирилган ташишга доир ҳужжатлар бўйича йўловчилар, багаж, юк ва почтани ташишга қабул қилувчи ва/ёки ушбу ташиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай бошқа хизмат кўрсатилишини тақдим этадиган ҳаво транспортида ташувчи;

юк ташиш хизмати агенти — почта алоқаси оператори, провайдерининг таркибий бўлинмасидан почтани ташиш ва ҳаво кемасига ортиш, шунингдек ҳаво кемаси бортидан тушириш учун қабул қилиш ва почта алоқаси оператори, провайдерининг таркибий бўлинмасига топшириш бўйича операцияларни бажариш учун авиакомпания томонидан ваколатланган юридик шахс;

ҳаво кемаси — йўловчилар, багаж ва/ёки юкларни ташиш учун мўлжалланган учиш аппарати;

чет эл авиакомпанияси — ҳаво йўли тўғрисидаги ҳукуматлараро келишувларга мувофиқ белгиланган шартнома йўналишлари ва қоидаларига кўра халқаро ҳаво линияларини эксплуатация қилиш учун тайинланган ва ваколатланган чет эл авиакорхонаси;

ёзма хат-хабарлар — оддий, буюртма, қиймати эълон қилинган хатлар ва бандероллар, оддий, буюртма почта варақчалари ва секограммалар, шунингдек майда пакетлар;

почта — почта, курьерлик жўнатмалари ва почта буюмларининг мажмуи;

«HUKUMATGA OID» белгили почта жўнатмаси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 январдаги 1-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 6-модда) билан тасдиқланган Почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда афзалликлар бериладиган фойдаланувчиларнинг алоҳида тоифалари рўйхатида кўрсатилган фойдаланувчиларнинг алоҳида тоифалари томонидан жўнатиладиган почта жўнатмаси;

тезкор почта — почта жўнатмаларини тезкор режимда жўнатиш ва етказиб бериш бўйича почта хизмати.

3. Ҳаво линиялари орқали почтани ташиш миллий ва чет эл авиакомпаниялари фуқаролик авиациясининг ҳаво кемаларида амалга оширилади.

Почта, даврий босма нашрларни ҳаво кемаларида ташиш авиакомпанияларнинг почта алоқаси операторлари ёки провайдерлари билан тузиладиган шартномалари асосида, шунингдек амалдаги шартномаларга қўшимчалар

кўринишида расмийлаштириладиган бир марталик талабномалар бўйича амалга оширилади.

4. Аэропортларда почта алоқаси операторлари, провайдерларига:

почтага ишлов бериш ва уни сақлаш учун;

почта алоқаси объектларини жойлаштириш учун махсус хоналар ижарага берилди. Ушбу объектлар учун хоналар почтага ишлов бериш учун зарур бўлган порт ичидаги бориш йўллари, саралаш майдончалари билан бирга берилди.

5. Бериладиган хоналар майдонининг ўлчамлари, ижара учун тўлов, уларни таъмирлаш ва коммунал хизматлардан фойдаланиш тартиби шартномаларда белгиланади.

6. Почтани ташиш авиакомпания ҳаво кемаларининг ҳаракат жадвалларида кўзда тутилган авиарейслар билан амалга оширилади. Рейслар жадвали ҳаво кемаларининг мавжудлиги ва рейсни бажариш бўйича имкониятлардан келиб чиққан ҳолда авиакомпания томонидан тузилади.

Йилда икки марта, ички ва халқаро авиалинияларда ҳаво кемаларининг ҳаракат жадвали тасдиқланишидан беш ой олдин почта алоқаси операторлари, провайдерлари ҳаво кемаларининг жўнатиш аэропортларидан учиши ва белгиланган аэропортларга келиб кўнишининг зарур вақтини, шунингдек почтанинг режалаштириладиган максимал суткалик ҳажмини кўрсатиб, «HUKUMATGA OID» белгили почта жўнатмалари ва устувор почта жўнатмаларининг ҳажмларини ҳар бир йўналиш бўйича килограммларда ажратган ҳолда, авиакомпанияга ҳаво кемаларининг ҳаракат жадваллари лойиҳаларига ўз таклифларини тақдим этадилар.

7. Ҳаво кемалари ҳаракатининг тасдиқланган янги жадваллари авиакомпания томонидан почта алоқаси оператори, провайдерига почтани ташиш учун шартномада кўрсатиб ўтилган миқдорда тақдим этилади.

Почта билан рейсларни бажарувчи ҳаво кемаларининг ҳаракат жадвалидаги ўзгаришлар тўғрисида (ҳаво кемаси типининг алмаштирилиши, ҳаво кемаси учиш вақтининг ўзгартирилиши ва бошқалар) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган авиакомпаниялар ёки аэропортлар кўрсатилган ўзгариш тасдиқлангандан кейин аэропорт ҳудудида жойлашган почта алоқаси оператори ёки почта алоқаси объектини хабардор қиладилар. Хабар бериш олдиндан келишилган усулда ва ушбу хабарларни жўнатиш ва олиш учун мўлжалланган манзиллар бўйича амалга оширилади.

8. Почтани ташиш учун шартномалар тузилганда ҳар бир аэропорт бўйича бир йилга ҳар чоракка бўлган ҳолда ташишларнинг прогноз қилинадиган ҳажмлари ҳисобга олиниши зарур.

Ички линияларда почтани ортишнинг келишилган нормалари белгиланиши мумкин.

9. Авиакомпания жадвалда кўрсатилган энг яқин рейслар билан ташишга қабул қилинган почтанинг ўз вақтида жўнатилишини кафолатлаши керак.

«HUKUMATGA OID» белгили почта жўнатмалари, устувор почта жўнатмалари, курьерлик жўнатмалари, тезкор почта жўнатмалари ва ёзма хат-

хабарлар солинган қоплар мунтазам ҳамда қўшимча рейсларни бажарувчи барча ҳаво кемаларида жўнатилиши керак.

10. Авиакомпания ташишга қабул қилинган почтанинг шартномалар ва бир марталик талабномалар билан белгиланган муддатларда жўнатилишини кафолатлаши керак.

11. Қўшимча почта юкини ташиш учун қабул қилиш тартиби шартномалар билан белгиланади.

II боб. Ички ҳаво линиялари орқали почтани қабул қилиш, топшириш, расмийлаштириш ва ташиш

12. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари шартномалар билан белгиланган муддатлар ва ҳажмларга мувофиқ почтани кўрсатишлари, авиакомпаниялар эса, почтани ҳаво транспортида ташиш учун қабул қилишлари шарт. Почтани ташиш учун кўрсатилган дастлабки келишилган ҳажмлардан ошиб кетилганда, почта юкининг бундай қўшимча ҳажмлари фақат бўш ташиш сифимлари мавжуд бўлганда ташилади. Почтани ташиш учун тўлов авиаташувчи билан келишилган почта тарифларига асосан амалга оширилади.

13. Почта ташиш учун қабул қилинишидан олдин авиация хавфсизлиги назоратидан ўтказилиши (текшириб чиқилиши) керак. Почтани текшириб чиқиш авиация хавфсизлиги бўлинмаларининг ходимлари томонидан техник воситалардан фойдаланган ҳолда бажарилади. Почта текшириб чиқилгандан кейин илова ҳужжатларига «Текширилди» белгиси қўйилади.

14. Почта, курьерлик жўнатмаларида ҳаво кемаларида ташиш тақиқланган предметлар ва буюмлар аниқланганда, бундай почта, курьерлик жўнатмалари ташиш учун қабул қилинмайди, бу ҳақда умумий юкхатга алоқа ходими ва юк ташиш хизмати агентининг имзоси чекилиб, тегишли белги қўйилади.

15. Метеошароитлар сабабли ҳаво кемаларининг мунтазам учмаслиги туфайли, шунингдек аэропортларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра аэропортларда катта миқдорда почта йиғилиб қолганда, аэропортлар жорий кундаги ортиш нормаларидан ташқари ҳаво кемаларининг навбатдаги ва қўшимча рейслари билан йиғилиб қолган почтани жўнатиш чораларини кўрадилар.

16. Тегишли рейслар билан ташилиши керак бўлган, лекин белгиланган муддатларда таҳририятлар, нашриётлар томонидан почта алоқаси операторлари, провайдерларига етказиб берилмаган даврий босма нашрлар бўш сифим ва тоннаж мавжуд бўлганда бошқа рейслар билан жўнатилиши керак.

17. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари O'z DSt 1099:2005 «Почта қоплари. Техник шартлар» талабларига мос келувчи қопларга жойланган почта, курьерлик жўнатмаларини ташишга топширишлари шарт, ушбу Қоидаларнинг 19-бандида кўрсатилган даврий босма нашрлар ва авиапосилкалар бундан мустасно.

18. Даврий босма нашрлар ташиш учун почта алоқаси операторлари, провайдерларидан жойланманинг бутунлигини таъминловчи ёпиқ ўровда қабул қилинади.

19. Қопларга жойланмаган ҳолда, шу жумладан, комбинацияланган усул-

да жўнатишга қабул қилинган, Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига (рўйхат рақами 2219, 2011 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 16-сон, 167-модда) қатъий мувофиқ ҳолда ўрланган авиапосилкаларни ҳаво кемаларида жўнатиш учун қабул қилишга рухсат этилади:

а) мўрт предметлар жўнатиладиган, шу жумладан, аниқ асбоблар жойланган «Ehtiyot qiling» — «Осторожно» белгили авиапосилкалар. Бундай посилкаларга барча босқичларда алоҳида эҳтиёткорлик чоралари билан ишлов берилиши ва жўнатилиши керак;

б) тирик асалари, дрозфила (*Drosophilidae*) оиласига мансуб майда пашшалар, зулуклар ва паразитлар жойланган авиапосилкалар;

в) синмайдиган яхлит предметлар, шунингдек ўлчамлари ва оғирлиги белгиланган нормалардан ошмайдиган йирик габаритли предметлар жойланган авиапосилкалар;

г) янги узилган мевалар, сабзавотлар ва ўсимликлар жойланган посилкалар.

20. Ушбу Қоидалар 19-бандининг «г» кичик бандида кўрсатилган, шу жумладан, комбинацияланган усулда жўнатиш учун қабул қилинган авиапосилкалар қутиларга жойлашдан ташқари, бир хил мато билан қоплаб тикилиши керак.

21. Авиапосилкалар муҳрланган ёки пломбаланган бўлиши керак. Картон ўровдаги авиапосилкалар кесишиш жойларига из тушириш мосламаларининг излари ёки тақвим штемпеллари излари тушириладиган қоғоз тасма билан ёпиштирилиши мумкин.

Мевалар, сабзавотлар, кўчатлар, завод ўровида жўнатиладиган аниқ асбоблар, тирик асалари, дрозфила (*Drosophilidae*) оиласига мансуб майда пашшалар, зулуклар ва паразитлар, шунингдек очик жўнатиладиган синмайдиган яхлит предметлар жойланган авиапосилкалар муҳрланмайди.

22. Почта жўнатмалари солинган қопларнинг оғирлиги 5 кг дан кам бўлмаслиги керак. Суғурта қоплар, ёзма хат-хабарлар жойланган қоплар, даврий босма нашрлар жойланган қоплар ва боғламларнинг йўл қўйиладиган оғирлиги — 10 кг гача, посилкалар жойланган суғурта қопларнинг оғирлиги — 20 кг гача.

Фақат «HUKUMATGA OID» белгили қоплар, курьерлик жўнатмалари жойланган қоплар, тезкор почта жўнатмалари жойланган қоплар ва суғурта қоплар, шунингдек алоҳида қўниш пунктига оғирлиги 5 кг гача бўлган биттадан кўп бўлмаган қопни жўнатишда истисно сифатида оғирликнинг камайрилишига йўл қўйилади.

Ҳаво кемасининг битта қўниш пунктига жўнатиладиган, оғирлиги 5 кг гача бўлган ёзма хат-хабарлар жойланган қоплар битта умумий қопга солиниб беркитилади.

23. Ҳаво кемаларида жўнатиладиган қопларга қалин картон, фанера ёки пластикдан тайёрланган биркаларга ёпиштирилган манзил ёрликлари маҳкамланади, уларда қуйидагилар кўрсатилади: қопда («HUKUMATGA OID»,

«Kur'eglik» — «Курьерские», «Sug'urtali» — «Страховой» белгили ва бошқалар) жўнатиладиган почта жўнатмаларининг тоифаси ёки тури; қопда белгиланган аэропорт, белгиланган жой, жўнатиш жойининг аниқ номи, қоп рақами ва оғирлиги. Ёрлик қопни беркитган алоқа ходимлари томонидан имзоланади. Ёрликқа тақвим штемпели ёки почта алоқаси оператори, провайдерига берилган муҳр изи қўйилади. Даврий босма нашрлар жойланган қоплардан ташқари, ушбу бандда кўрсатилган барча қоплар муҳрланган (пломбаланган) бўлиши керак. Газеталар жойланган қопнинг манзил ёрлигида уларнинг номи кўрсатилади.

24. Манзил ёрлиқлари почта жўнатмаларининг тури ва тоифасига боғлиқ ҳолда диагонал бўйича фарқловчи чизиқнинг ранги билан ажратилади:

«HUKUMATGA OID» белгили қоплар, устувор почта жўнатмалари жойланган қоплар, курьерлик жўнатмалари жойланган қоплар, тезкор почта жўнатмалари жойланган қоплар, суғурта қоплар учун — қизил ранг;

ёзма хат-хабарлар ва даврий босма нашрлар жойланган қоплар учун — кўк ранг.

25. Манзил ёрлиқлари бўлмаган ёки белгиланган аэропортнинг аниқ номи ёзилмаган манзил ёрлиқли қопларни ташиш учун топшириш ва қабул қилиш тақиқланади.

26. Жадвалга асосан биттадан ортиқ қўниш ҳуқуқига эга ҳаво кемаларида очик жўнатиладиган авиапосилкаларга алоқа ходимлари томонидан қизил рангдаги «_____га (ташиш ҳужжатлар билан қайси пунктгача расмийлаштирилганига кўра белгиланган ёки қайта юклаш аэропортининг номи кўрсатилади) топширилсин» ёзувли маркалаш ёрлиқлари ёпиштирилади. Ёзув йирик ҳарфлар билан ва тушунарли ёзилган бўлиши керак.

Ҳаво кемаларининг тўғридан-тўғри рейсларида (йўлда қўнмасдан) жўнатиладиган посилкалар маркаланмайди.

27. Почта алоқаси операторлари, провайдерларига қўйидагиларни топшириш тақиқланади:

а) бузилган, шикастланган ва ёғланган ҳолатдаги почтани;

б) манзил ёрлиқлари бўлмаган почтани;

в) почта юкхатларида кўрсатилган маълумотларга мос келмайдиган ёки почта юкхатларига киритилмаган почтани;

г) ушбу Қоидаларнинг 19-бандида кўрсатилган посилкалардан ташқари, мато билан ўраб тикилмаган, очик ҳолатда жўнатиладиган авиапосилкаларни;

д) қопларга жойланмаган, қиймати эълон қилинган авиапосилкаларни.

28. Почтани топшириш ушбу Қоидаларнинг 1, 2, 3-иловаларидаги шаклларга мувофиқ жўнатилган авиапочта учун юкхатлар билан расмийлаштирилади.

Почта юкхатлари почтани топшириш учун жавобгар бўлган алоқа ходимлари томонидан тўлдирилади ва имзоланади ҳамда тақвим штемпелининг излари ёки почта алоқаси оператори, провайдерига берилган муҳр билан тасдиқланади.

29. Қўйидагилар тақиқланади:

а) авиакомпанияга белгиланмаган шаклдаги юкхатлар бўйича почтани

қабул қилиш, почта алоқаси операторлари, провайдерларига эса ўрнатилмаган шаклдаги юкхатлар бўйича почтани топшириш;

б) юк ташиш хизмати агентларига почта юкхатларига ҳар қандай ўзгартиришлар киритиш.

30. Почта юкхатларига тузатишлар ва ўзгартиришлар фақат алоҳида ҳолатларда алоқа ходимлари томонидан киритилиши мумкин, бу юкхатларнинг барча нусхаларида белгиланган ва тақвим штемпелининг излари ёки почта алоқаси оператори, провайдерига берилган муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак.

31. Ҳаво транспортида жўнатиладиган почтага қўйидаги илова ҳужжатлари тузилиши керак:

а) почта, курьерлик жўнатмалари ёки буюмлари гуруҳлари учун — алоҳида почта юкхатлари;

б) ҳаво кемасининг ҳар бир қўниш пунктида топшириладиган почта учун — умумий юкхатлар;

в) ҳаво кемасининг ҳар бир рейсидаги барча почта учун, зарур бўлганда, қўшимча ҳар бир қўниш пункти учун — рейс юкхатлари.

32. Алоҳида юкхатлар икки нусхада тузилади.

«HUKUMATGA OID» белгили қоплар, устувор почта жўнатмалари жойланган қоплар, курьерлик жўнатмалари жойланган қоплар, тезкор почта жўнатмалари жойланган қоплар, суғуртали қоплар, «Ehtiyot qiling» — «Ос-торожно» белгили посилкалар учун ушбу почта жойларининг микдоридан қатъи назар, ҳаво кемасининг ҳар бир қўниш пункти учун алоҳида юкхат тузилади. Ушбу юкхатнинг юқори ўнг бурчагига штамп ёки қўл билан «Sug'urtali» — «Страховой» белгиси қўйилади.

Алоҳида юкхатлар «HUKUMATGA OID» белгили, устувор почта жўнатмалари, курьерлик жўнатмалари, тезкор почта жўнатмалари, ёзма хат-хабарлар жойланган қоплар, суғурта қоплар гуруҳи, «Ehtiyot qiling» белгили посилкалар гуруҳи, даврий босма нашрлар жойланган посилкалар, қоплар ва боғламлар учун тузилади.

33. Умумий юкхатлар ҳар бир қўниш пункти учун уч нусхада тузилади. Биринчи ва иккинчи нусхалар жўнатиш аэропортига топширилади ва почта билан бирга белгиланган аэропортгача боради, бу ерда биринчи нусха почта билан бирга алоқа ходимига берилади, иккинчиси эса, алоқа ходимининг почтани олганлиги тўғрисидаги имзоси билан белгиланган аэропортда қолади. Умумий юкхатнинг учинчи нусхаси почтани топширган алоқа ходимларида қолади.

Ҳаво кемаси қўниш пунктининг умумий юкхатига даврий босма нашрлар жойланган қоплар ва боғламлар учун тузилган барча қолган юкхатлар ёзиб қўйилади. Шу юкхатга «HUKUMATGA OID» белгили, устувор почта жўнатмалари, курьерлик жўнатмалари, тезкор почта жўнатмалари жойланган қоплар, алоҳида юкхатларга киритилмаган суғурта қоплардан ташқари, барча почта буюмлари ёзиб қўйилади.

34. Рейс юкхатлари ҳаво кемасининг ҳар бир рейси учун икки нусхада, зарур бўлганда, қўшимча равишда ҳар бир қўниш пункти учун тузилади.

Рейс юкхатининг иккинчи нусхаси аэропорт ходимининг почтани қабул қилганлиги тўғрисидаги имзоси ва аэропорт штампининг изи билан почтани ташишга топширган алоқа ходимида қолади, почта жўнатишнинг тўғрисида аэропорт белгиси билан биринчи нусха жўнатиш аэропортида қолади.

Рейс юкхатларида почтани ташийдиган ҳаво кемасининг қўниш пунклари, почта қаерга юборилаётганлиги, унинг турлари бўйича миқдори, шунингдек ҳар бир қўниш пунктигача почтанинг умумий миқдори ва оғирлиги кўрсатилади.

35. Ҳаво кемасининг ҳар бир қўниш пункти учун битта умумий юкхат, ҳар бир рейс учун эса — битта рейс юкхати тузилиши керак.

36. Алоҳида ички ҳаво линияларида почта алоқаси операторлари, провайдерлари билан аэропортлар ўртасидаги келишувга кўра юкхатлар миқдори қисқартирилиши мумкин:

а) ҳаво кемасининг битта қўниш пункти бўлган линияларда рейс юкхати тузилмаслиги мумкин. Почта қабул қилинганлиги ва топширилганлиги учун умумий юкхатларнинг иккинчи нусхаларига имзо қўйилади;

б) қўниш пунктига почтанинг унчалик катта бўлмаган миқдори келган ҳолларда, булардан почта, курьерлик жўнатмалари ва буюмларининг ҳар бир тури учун гуруҳлар тузиб бўлмаслиги сабабли алоҳида юкхатлар тузилмаслиги мумкин, «HUKUMATGA OID» белгили қоғазлар, устувор почта жўнатмалари жойланган қоғазлар, курьерлик жўнатмалари жойланган қоғазлар, тезкор почта жўнатмалари жойланган қоғазлар, суғурта қоғазлари учун юкхатлар бундан мустасно. Бундай ҳолларда санаб ўтилган қоғазлардан ташқари бутун почта бевосита умумий юкхатга ёзилади.

37. Жўнатиладиган почта учун почта ҳужжатлари (умумий юкхатнинг икки нусхаси, унга қўшиб ёзилган даврий босма нашрлар жойланган қоғазлар ва боғламлар учун алоҳида юкхатларнинг биринчи нусхалари билан бирга) ҳаво кемасининг ҳар бир қўниш пункти учун ушбу Қоидаларнинг 4-иловасидаги шакл бўйича ҳаво кемаси билан жўнатиладиган почта учун илова ҳужжатлари солинган конвертга жойланади.

«HUKUMATGA OID» белгили қоғазлар, устувор почта жўнатмалари жойланган қоғазлар, курьерлик жўнатмалари жойланган қоғазлар, тезкор почта жўнатмалари жойланган қоғазлар, суғурта қоғазлари, «Ehtiyot qiling» — «Осторожно» белгили посылкалар умумий юкхат устидан конвертга жойланади.

Конвертда ундаги босма матнга мувофиқ маълумотлар кўрсатилади, бу маълумотлар алоқа ходими томонидан имзоланади ва тақвим штемпелининг изи ёки почта алоқаси оператори, провайдерига берилган муҳр билан тасдиқланади.

Конвертга умумий ва алоҳида юкхатларни тўлиқ ва тўғри жойлаш учун жавобгарлик почтани жўнатган алоқа ходимлари зиммасига, ҳаво транспортида ташишда уларнинг бутлиги учун жавобгарлик эса, авиакомпания зиммасига юкланади.

Почтани аэропорт ходимига топширишда биринчи навбатда рейс юкхати ва юкхатлар солинган конвертлар берилади.

38. «HUKUMATGA OID» белгили қоғазлар, устувор почта жўнатмалари

жойланган қоплар, курьерлик жўнатмалари жойланган қоплар, тезкор почта жўнатмалари жойланган қоплар, суғурта қоплар, «Ehtiyot qiling» — «Ос-торожно» белгили посилкалар юк ташиш хизмати агентлари ҳамда алоқа ходимлари томонидан қоплар рақамларининг юкхатларда кўрсатилган рақамларга мувофиқлиги номма-ном текширилиб, қолган почтадан алоҳида топширилади ва қабул қилинади, қолган почта (ёзма хат-хабарлар жойланган қоплар, даврий босма нашрлар жойланган қоплар ва боғламлар, авиапосилкалар) эса — ўровлари, мухрлари, пломбалари, боғичлари, тасмаларининг бутунлиги текширилиб, умумий ҳисоб билан топширилади ва қабул қилинади.

39. Почта юк ташиш хизмати агенти почтани алоқа ходимидан қабул қилган ва унга почтани қабул қилишда қабул қилинган почта, курьерлик жўнатмалари ва буюмларининг миқдорини харфлар билан, қабул қилиш вақтини, почтани қабул қилган ходимнинг лавозими ва фамилиясини кўрсатган ҳолда, шахсий штамп ёки аэропорт штамп билан тасдиқланиб имзоланган почта юкхатининг нусхасини берган вақтдан бошлаб жўнатишга қабул қилинган деб ҳисобланади.

Керакли даражада маркаланмаган, ўрови шикастланган, мухрлари, пломбалари бузилган, боғич, тасмалари узилган почта, курьерлик жўнатмалари ва буюмлари юк ташиш хизмати агенти томонидан қабул қилинмайди, бу ҳақда умумий юкхатга алоқа ходими ва юк ташиш хизмати агентининг тегишли белгиси ва имзоси қўйилади.

40. Ташиш учун қабул қилинган почта юк ташиш хизмати агентлари томонидан белгиланган ёки почтани тушириш аэропорти, жойлар миқдори ва ёзма хат-хабарлар жойланган қоплар, «HUKUMATGA OID» белгили қоплар, устувор почта жўнатмалари жойланган қоплар, курьерлик жўнатмалари жойланган қоплар, тезкор почта жўнатмалари жойланган қоплар, суғурта қоплар, даврий босма нашрлар жойланган қоплар ва боғламлар ҳамда посилкалар турлари бўйича оғирлигини кўрсатган ҳолда, почта-юк қайдномасига ёки ҳаво кемасининг юк манифестига ёзилади.

Қабул қилинган почта рейс ва умумий юкхатларда кўрсатилган оғирлиги бўйича ҳисобга олинади. Бунда, агар қоп оғирлиги 100 грамм улуши 50 граммга тенг ёки ундан ошса, унинг оғирлиги юқори 100 граммгача ва аксинча ҳолатда пастки 100 граммгача яхлитланади.

Юк ташиш хизмати агентлари умумий оғирликни, шунингдек алоҳида почта гуруҳларининг оғирлигини текшириш ҳуқуқига эга.

41. Аэропортлар ҳудудида жойлашган почта алоқаси объектларидан почтани етказиб бериш ва ҳаво кемаларига ортиш, шунингдек ҳаво кемаларидан почтани тушириш ва ушбу объектларга етказиб бериш аэропортларнинг куч ва воситалари ёрдамида бажарилади.

Почта алоқаси объектлари бўлмаган аэропортларда почта аэропорт куч ва воситалари ёрдамида ҳаво кемаларига ортилади ва улардан туширилади, аэропортлардан аэропортлар ташқарисидаги почта алоқаси объектларигача эса почта алоқаси операторлари, провайдерларининг куч ва воситалари ёрдамида етказиб берилади.

Почтани етказиб бериш ва қабул қилиш муддатлари почта алоқаси операторлари, провайдерлари ва авиакомпания ёки аэропорт ўртасида тузиладиган шартномаларда белгиланади.

42. Жўнатиш аэропортларида почтани ҳаво кемаларига ортиш улар қўниш пунктларининг тескари кетма-кетлиги тартибида амалга оширилади. Ҳар бир қўниш пункти учун мўлжалланган почта ҳаво кемасида тўрлар ёки бошқа воситалар билан ажратилиши керак.

43. Почтани ҳаво кемасига ортиш ва ундан тушириш юк ташиш хизмати агентлари томонидан борткузатувчи ёки тижорат юки учун жавобгар бўлган экипаж аъзоларидан бири иштирокида амалга оширилади.

Борткузатувчи (экипаж аъзоси) почтани бевосита ҳаво кемаси ёнида юк ташиш хизмати агентларидан қабул қилади (топширади).

44. Жўнатиш аэропортларида почта жойларда қабул қилинган технологияга мувофиқ алоқа ходимлари томонидан ташиш учун қабул қилинади ва топширилади.

45. Ушбу Қоидаларнинг 5-иловасидаги шакл бўйича идоралараро далолатнома ёки Cargo-Damage Report (бундан буён матнда CDR деб юритилади), Irregularity Report (бундан буён матнда IRP деб юритилади), ушбу Қоидаларнинг 6 ва 7-иловаларига мувофиқ шакллар бўйича қўйдаги ҳолларда тузилади:

келган почтадаги почта-юк қайдномаси (юк манифести) ёки юкхатларда кўрсатилган маълумотларнинг аниқ маълумотларга номувофиқлиги аниқланганда;

ҳужжатлар бўлмаганда;

носоз, шикастланган ўров, шунингдек жойланмасидан фойдаланиш мумкин бўлган ўров аниқланганда;

муҳрлар, пломбалар, боғичлар, тасмаларнинг носозлиги аниқланганда.

Идоралараро далолатнома ёки CDR, IRP далолатномаларини расмийлаштириш тартиби ушбу Қоидаларнинг 72 — 80-бандларида белгиланган.

46. Алоқа ходими почтани қабул қилишда:

оғирлиги, ўров, муҳрлар, пломбалар, боғичлар, тасмаларнинг бутунлигини текшириши;

қабул қилинган почта, курьерлик жўнатмалари ва буюмларининг миқдорини ҳарфлар билан кўрсатиб, умумий юкхатнинг иккинчи нусхасини имзолаши;

тақвим штемпелининг изи ёки почта алоқаси оператори, провайдерига берилган муҳр билан имзони тасдиқлаши ва юкхатнинг ушбу нусхасини почтани топширган юк ташиш хизмати агентига қайтариши керак.

47. Аэропортда почта алоқаси объекти бўлмаганда почта аэропорт омборида алоқа ходимига топширилади. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари бундай ҳолларда ўз вакилларининг шартномаларда белгиланган муддатларда почтани қабул қилиш учун аэропортга келишларини таъминлашлари керак.

48. Алоқа ходими почтани юк ташиш хизмати агентидан қабул қилган ва почта юкхатига тегишли имзони қўйган вақтдан бошлаб почта етказиб берилган деб ҳисобланади.

49. Авиакомпаниянинг айбига кўра белгиланган пунктга топширилмаган почта қолган почтадан алоҳида ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ҳолда биринчи учиб кетаётган ҳаво кемаси билан белгиланган жойга қайта жўнатилади.

Рейс (умумий) юкхатига алоқа ходими томонидан: «Почта ташилди. Бепул қайта жўнатиляпти» белгиси қўйилади. Ушбу почта почтани етказиб беришда хатога йўл қўйган авиакомпания ёки аэропорт ҳисобидан жўнатилади.

50. Яқин вақт ичида рейс бўлмаган ҳолда, кўрсатилган почта белгиланган пунктга почтани етказиб беришда хатога йўл қўйган авиакомпания ёки аэропорт ҳисобидан темир йўл орқали ёки бошқа транспорт турларида жўнатилиши мумкин.

Почтани етказиб беришда форс-мажор ҳолатлари бўйича хатога йўл қўйилганда, авиакомпания ёки аэропортлар почтани бошқа транспорт турлари билан белгиланган жойга жўнатиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар ёки кечикканлиги учун жавобгар бўлмайдилар.

III боб. Халқаро ҳаво линиялари орқали халқаро почтани қабул қилиш, расмийлаштириш ва ташиш

51. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг ташқарисига юбориладиган ва унинг ҳудудига келадиган халқаро почта Умумжаҳон почта конвенцияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси операторлари, провайдерларининг бошқа мамлакатлар операторлари билан тузиладиган икки томонлама келишувлари талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳолда, ҳаво транспортида ташиш учун топширилиши керак.

52. Халқаро почта кўк рангдаги қопларда ёки кенг кўк чизиқли қопларда ташилади. Қопларда лотин шрифти билан «Postes Par avion Tashkent» деб аниқ белгиланади.

53. Жўнатмаларни Express Mail Service тизими бўйича жўнатиш учун (бундан буён матнда EMS жўнатмалари деб юритилади) қуйида келтирилган моделлардаги қопларнинг бирдан фойдаланилади:

а) қопнинг ҳар бир томонида ҳаво ранг ва тўқ сариқ рангдаги вертикал, горизонтал ёки диагонал чизиқлар бўлиши керак;

б) қопнинг бир томони ҳаво ранг, иккинчи томони тўқ сариқ рангда бўлиши керак.

54. Қоплар соз ҳолатда бўлиши, устки томонидан ҳошияланган бўлиши, керакли даражада ёпилган, пломбаланган ва манзил ёрлиқлари билан таъминланган бўлиши керак.

Халқаро рейсларда қопларга жойланмасдан очиқ ҳолатда ушбу Қоидаларнинг 19-бандида кўрсатилган барча почта жўнатмалари жўнатилиши мумкин.

55. Халқаро почта жойланган қоплар учун ушбу Қоидаларнинг 8, 9 ва 10-иловаларига мувофиқ шакллар бўйича қуйидаги турдаги CN 35, 36, CP 84 ёрлиқлар қўлланилади:

а) буюртма жўнатмалар, қиймати эълон қилинган хатлар жойланган қоплар учун — ёрқин-қизил рангли;

б) устувор почта жўнатмалари, хатлар ва почта varaқчалари, даврий босма нашрлар жойланган қоплар учун — оқ рангли;

в) фақат устувор бўлмаган почта жўнатмалари, секограммалар, майда пакетлар жойланган қоплар ва «М» белгили қоплар учун — ҳаво рангли;

г) қайтариладиган бўш қоплар жойланган қоплар учун — яшил рангли;

д) посилкалар жойланган қоплар учун — сариқ рангли;

е) кўп миқдордаги фақат оддий жўнатмалар солинган қоплар учун — бинафша рангли.

56. Манзил ёрлиқлари улардаги босма матнга мувофиқ тўлдирилади.

Жўнатиладиган почта учун илова хужжатлари жўнатиладиган қоплар манзил ёрлигида «F» харфи кўринишида фарқловчи белгига эга бўлиши керак.

57. Халқаро ёзма хат-хабарлар жойланган қоплар оғирлиги 30 кг гача, халқаро посилкалар жойланган қоплар оғирлиги 32 кг гача бўлиши мумкин.

58. Халқаро почтани топшириш ушбу Қоидаларнинг 11, 12 ва 13-иловаларидаги шакллар бўйича CN 38, CN 41, CN 47 топшириш юкхатлари билан расмийлаштирилади.

Юкхатлар улардаги босма матнга мувофиқ тўлдирилади.

59. Юкхатлар почта тушириладиган ҳар бир қўниш аэропорти учун беш нусхада тузилади.

Почтани аэропортга бериш учун авиакомпания имзоси билан авиадепешаларни топшириш юкхатининг битта нусхаси жўнатувчи почта алоқаси объектида қолади.

Иккита нусхаси почтани ташийдиган авиакомпания томонидан ортиш аэропортида сақланади.

Иккита нусхаси ушбу Қоидаларнинг 14-илувасидаги шакл бўйича CN 45 юкхатларини бериш конвертига солинади, бу конверт авиакомпанияга топширилади ва рейс хужжатлари пакетига солиб қўйилади. Почта тушириш аэропортига келиши билан почта олинганлиги тўғрисидаги имзо қўйилган биринчи нусха депешаларни ташийдиган авиакомпанияда қолади. Иккинчи нусха почта билан бирга юкхат йўлланган халқаро почта алмашув муассасасига келади.

60. Юкхатларни бериш конвертлари улардаги босма матнга мувофиқ тўлдирилади.

61. Авиадепешаларни топшириш юкхатларининг якуний маълумотлари ҳар бир почтани тушириш аэропорти учун алоҳида учта нусхада тузиладиган авиадепешаларни топшириш жамлама юкхатига (CN 38) киритилади.

62. Авиадепешаларни топшириш жамлама юкхатининг почта, шу жумладан, транзит (трансфер) почта оғирлиги ва жойларининг сони тўғрисидаги маълумотлари аэропортдаги ташиш хизмати томонидан ҳаво кемасининг юк манифести ва жамлама юклаш қайдномасига ёзилади, авиадепешаларни топшириш жамлама юкхати эса почта юклангандан кейин ҳисобга олиш секторига берилади.

63. Чет эл авиакомпанияларининг ҳаво кемаларидан носоз халқаро почта

олинган ҳолларда аэропорт ушбу почтани юк ташиш хизмати ва чет эл авиакомпанияси вакилларининг имзолари билан тасдиқланган авиадепешаларни топшириш юкхатларига тегишли белгини қўйиб почта алоқаси операторлари, провайдерларига топширади. Авиадепешаларни топшириш юкхатлари бўлмаганда, почта авиакомпания томонидан тузилган алмаштириладиган CN 46 топшириш юкхатлари билан бирга топширилади. Бу ҳақда чет эл давлатининг почта хизматида алмаштириладиган CN 46 юкхатларнинг иккита нусхасини илова қилган ҳолда CN 43 қиёслаш билдиришномаси билан хабар қилинади. Имзоланган алмаштириладиган CN 46 юкхатнинг битта нусхаси аэропортга топширилади.

Миллий авиакомпанияларнинг ҳаво кемаларида халқаро почтани ташишда йўл қўйилган бузилиш фактлари шунга ўхшаш тарзда расмийлаштирилади.

64. Тушириш/қайта юклаш аэропортига келгандан кейин борткузатувчи (экипаж аъзоси) авиадепешаларни топшириш юкхатлари бўйича почтани юк ташиш хизмати вакилларига топширади, улар депешаларни олганликлари тўғрисида юкхатларга имзо қўядилар ва кейинчалик почтани белгиланган жойга жўнатиш учун аэропортдаги чет эл давлатининг халқаро почта алмашуви муассасасига етказиб берадилар.

65. Транзит (трансфер) депешаларни жўнатишда почтанинг бутун ҳаракатланиш йўналиши учун авиадепешаларни топшириш юкхатлари тузилиши керак.

Транзит (трансфер) почтани қайта жўнатиш қайта юклаш амалга ошириладиган аэропортларда жойлашган чет эл давлатларининг халқаро почта алмашув муассасалари томонидан таъминланади.

IV боб. Ҳаво кемалари кечикканда ва мажбурий қўнишларида почтани ташиш

66. Почта юки билан йўловчи рейсларини амалга оширувчи ҳаво кемаларининг учиши қатъий жадвал бўйича амалга оширилади. Почта юкланишини кутиб ушбу ҳаво кемалар учишини кечиктириш тақиқланади.

67. Почта жойланган ҳаво кемасининг жўнатиш аэропорти ёки оралик аэропортлардан жадвал бўйича учиши қандайдир сабабга қўра бекор қилинган ёки узоқ (уч соатдан кўп) вақтга кечиктирилган ҳолларда жўнатиш аэропортлари дарҳол ушбу аэропортлардаги почта алоқаси объектларига учиш бекор қилинганлиги ёки рейс кечиктирилганлиги тўғрисида хабар берадилар.

68. Ҳаво кемаси рейсининг бажарилиши бошқа кунга кўчирилган бўлса, ушбу рейс почтаси худди шу йўналиш бўйича биринчи учадиган ҳаво кемаси билан жўнатилиши ёки почта алоқаси оператори, провайдерининг талаби бўйича олиниши ва бошқа транспорт турида жўнатилиши керак.

Ушбу йўналиш бўйича ҳаво кемаларининг бошқа рейслари бўлмаганда ва почтани бошқа транспорт турларида жўнатиш мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли бутун почта юки ушбу кечиктирилган рейс билан жўнатилиши керак.

Навбатдаги рейслардан йўловчиларни жўнатиш ҳисобига ушбу рейсдаги почта юкини олиш ёки камайтириш тақиқланади.

69. Рейс оралиқ (трансфер) аэропортда ҳаво кемасини алмаштирган ҳолда бажарилганда унинг бортидаги мавжуд почта ташишни давом эттирадиган ҳаво кемасига қайта юкланиши керак. Тўғридан-тўғри рейсдан олинган почтани жўнатиш кечиктирилган ҳолда аэропортлар бу ҳақда аэропортлардаги почта алоқаси операторини ёки навбатчи алоқа ходимини хабардор қилишга мажбурлар.

70. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари транзит (трансфер) почтанинг кейинги ҳаракатланишини назорат қилишлари, почтани танлаш, ҳужжатларни қайта расмийлаштириш ва почтани белгиланган жойга жўнатиш навбатини тартибга солишга ёрдам кўрсатишлари керак.

71. Алоҳида ҳаво линиялари бўйича ҳаво кемаларининг ҳаракатланиши тўхтатилган, рейслар бекор қилинган ёки ҳаво кемаларининг учиши узоқ вақтга кечиктирилган ва почтани қисқа муддат ичида ҳаво кемасида жўнатиш имкони бўлмаган ҳолларда почта аэропортдаги почта алоқаси объектига, почта алоқаси объекти бўлмаганда эса — почтани янада тезроқ йўл (ҳаво ёки ер усти) билан жўнатиш учун яқиндаги почта алоқаси объектига топширилади.

Аэропорт бу ҳақда жўнатиш пункти ва жадвал бўйича ҳаво кемасининг қўниши кўзда тутилган яқиндаги аэропортга хабар беради. Хабарда кейинги ташиш учун почта қаерда ва кимга топширилганлиги кўрсатилиши керак. Бундай хабарномаларни олган аэропортлар бу ҳақда тегишли почта алоқаси объектига хабар бериши шарт.

V боб. Почтани текширишда аниқланган бузилиш ва носозликларни расмийлаштириш

72. Ушбу Қоидалар ва тузилган шартномаларни бузиш барча ҳолатлари почтани қабул қилиш-топшириш билан бир вақтда тузиладиган идоралараро далолатномалар ёки CDR, IRP далолатномалари билан расмийлаштирилади.

Ушбу далолатномаларда келтирилган фактлар қайси томоннинг айби билан бузилишлар юзага келган бўлса, ўша томон тарафидан мажбурий текширилиши керак. Ҳар бир томон бошқа томонга бузилиш фактларини текширишда ёрдам беришга (зарур маълумотларни бериши, кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши ва х. к.) мажбур.

Идоралараро далолатнома ёки CDR, IRP далолатномалари бўйича текширишни амалга оширган томон текшириш натижалари ҳақида бошқа томонга хабар беришга мажбур.

73. Идоралараро далолатнома тўрт нусхада тузилади, улардан икkitаси почта алоқаси операторлари, провайдерларига, икkitаси — авиакомпания ёки аэропортга топширилади.

Далолатноманинг барча нусхалари томонлар тарафидан имзоланади, тасдиқланади ва тенг кучга эга. Далолатномада йўл қўйилган бузилишнинг сабаблари ва факти ҳақида тўғри хулоса чиқаришга имкон берадиган дало-

латномани тузиш вақтидаги барча маълум бўлган маълумотлар кўрсатилиши керак.

Далолатнома лавозимлари шартномаларда белгиланган икки алоқа ходими ва аэропорт ходимлари томонидан имзоланади. Имзолар почта алоқаси объектининг тақвим штемпели ёки почта алоқаси операторига, провайдерига берилган муҳр ва юк ташиш хизмати агентининг шахсий штампи (ташишларни ташкил қилиш хизмати штампи) билан тасдиқланади.

74. CDR, IRP далолатномалари ички ҳаво линияларида икки нусхада тўлдирилади, биринчи нусхаси почта алоқаси оператори, провайдерига ёки юк ташиш хизмати агентига; иккинчи нусхаси — авиакомпания ёки аэропортга берилади. Халқаро линияларда CDR, IRP далолатномалари уч нусхада тўлдирилади, биринчи нусхаси белгиланган жойнинг почта алоқаси оператори, провайдерига; иккинчи нусхаси — авиакомпания ёки аэропортга; учинчи нусхаси — жўнатиш жойи почта алоқаси оператори, провайдерига берилади.

Далолатномалар улардаги босма матнга мувофиқ тўлдирилади.

Далолатномалар имзо қўювчи шахснинг хизмати ва лавозими кўрсатилган ҳолда алоқа ходимлари ва аэропорт ходимлари вакилларининг имзолари билан тасдиқланади.

Далолатномалар стандарт бланкда расмийлаштирилиши ёки автоматлаштирилган тизимларни қўллаган ҳолда электрон усул билан тузилиши мумкин.

75. Далолатноманинг мазмунидан норози бўлган аэропорт ходими ёки алоқа ходими норозилиги тўғрисида изоҳ берган ҳолда идоралараро далолатнома ёки CDR, IRP далолатномаларини имзолаши шарт. Далолатномани имзолашдан бош тортишга йўл қўйилмайди.

Далолатномалар имзолангандан сўнг томонларга дарҳол берилади.

76. Изоҳ берилган идоралараро далолатнома ёки CDR, IRP далолатномаларини имзолашда аэропорт ва почта алоқаси объекти раҳбарлари юзага келган келишмовчиликларни кўриб чиқишлари ва улар бўйича қарор қабул қилишлари керак.

77. Қоплар, посилкаларнинг ўрови, боғичлари, муҳрлари, пломбалари, тасмалари шикастланганда почта, курьерлик жўнатмалари ва буюмлари ёрлик ва ҳужжатларда кўрсатилган оғирлик билан ҳақиқий оғирликни таққослаш учун тарозида тортилади.

Жойланмани текшириш учун почта, курьерлик жўнатмалари аэропорт вакили иштирокида алоқа ходимлари томонидан очилади. Ушбу ҳолларда идоралараро далолатнома ёки CDR, IRP далолатномаларига қўшимча равишда почта, курьерлик жўнатмаси ёки буюмини очишда иштирок этаётган алоқа ва аэропорт ходими томонидан имзоланадиган идоравий далолатнома ҳам тузилади. Қабул қилинган почта учун тилхат алоқа ходими томонидан фақат ушбу далолатнома имзолангандан кейин берилади.

78. Идоравий далолатномани тузишда почта, курьерлик жўнатмаси, буюмининг ташқи ҳолати батафсил тавсифланади, жўнатма, буюмининг ҳужжатлар бўйича ва ҳақиқий оғирлиги, ички таркиби кўрсатилади (ҳар бир

предмет, унинг ҳолати, ўлчами, оғирлиги, шунингдек қоп жойланмаси, буюмнинг умумий оғирлиги, тара оғирлиги ва х. алоҳида санаб ўтилади).

Далолатноманинг асл нусхаси қоп ичига солинади, почта, курьерлик жўнатмалари очиқ жўнатилаётганда эса ушбу жўнатма ёзилган ҳужжатлар билан бирга юборилади.

79. Номма-ном текширилгандан кейин келган почта ҳужжатларга мувофиқ бўлмаса (бир қоп бошқаси билан ёки бир посылка бошқаси билан алмаштирилган бўлса), алоқа ходими идоралараро далолатномани тузиши ва ўн кунлик муддатда аэропорт билан бирга текширув ўтказиши керак.

80. Почтанинг йўқолиши ва шикастланишининг барча ҳолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси аэропортлари, авиакомпания ваколатхонаси стандарт хабарлардан фойдаланган ҳолда жўнатиш аэропортига хабар беришлари, аэропорт почта алоқаси операторлари, провайдерларига маълум қилиши керак.

Агар почта шикастланган бўлса, почта алоқаси операторлари, провайдерлари унинг кейинги ташилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилишга мажбурлар.

VI боб. Томонларнинг жавобгарлиги

81. Авиакомпания почтанинг йўқолиши, бузилиши (шикастланиши) учун Умумжаҳон почта конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонунида кўзда тутилган почта алоқаси операторлари, провайдерларининг жўнатувчилар ёки адресатлар олдидаги жавобгарлиги миқдорида почта алоқаси операторлари, провайдерлари олдида жавобгар бўлади.

82. Бундан ташқари, авиакомпания қуйидагилар учун жавобгар бўлади:

а) жадвалнинг ўз вақтида тақдим этилмаганлиги ёки жадвалнинг ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаганлиги учун;

б) ҳаво кемасининг қўниш пунктларида бутун почта ёки унинг бир қисмининг белгиланган жойга етказиб берилмаганлиги ва топширилмаганлиги учун;

в) кафолатланган норманинг тўлиқ ёки бир қисмини ёки алоҳида талабномалар бўйича келишилган ва жўнатиш учун ўз вақтида етказиб берилган почта миқдорини жўнатиш учун қабул қилишнинг ҳар бир рад қилинган ҳолати учун, бундан почта, курьерлик жўнатмаларида авиация хавфсизлиги бўлинмаларининг ходимлари томонидан жўнатилиши тақиқланган предмет ва буюмлар аниқланган ҳолатлар мустасно, шунингдек дастлабки учиш, трансфер ва белгиланган пунктларнинг давлат органларининг талаби бўйича почтанинг олинганлиги учун;

г) почтанинг ҳаво кемасига юкланмаганлигига сабаб бўлган, транспортнинг почтани юклаш учун келишилган муддатларда почта алоқаси объектига ўз вақтида берилмаганлиги учун;

д) почтанинг йўқолганлиги, бузилганлиги (шикастланганлиги) учун.

83. Почта жўнатмалари (буюмлари) жойланмасининг йўқолиши, яши-

рин бузилиши (шикастланиши), етишмаслиги авиакомпания айбига кўра рўй берганлиги исботланмаса, авиакомпания жўнатиш жойи почта алоқаси объектларининг боғичлари, муҳрлари, пломбалари, тасмалари бузилмаган ҳолда шикастланмаган ўровда етказиб берилган почта, курьерлик жўнатмалари, буюмларининг ички ҳолати ва таркиби учун жавобгарликдан озод қилинади.

Почтанинг йўқолиши, бузилиши (шикастланиши) авиакомпания олдини олишга қодир бўлмаган ҳолатлар натижасида рўй берган бўлса ёки уларнинг олдини олиш авиакомпанияга боғлиқ бўлмаган қуйидаги сабаблар оқибатида юз берганлигини исботласа, авиакомпания жавобгарликдан озод этилади:

табиий ҳодисалар;

ташиладиган предметларнинг ўзига хос хусусиятлари;

илова ҳужжатида почтанинг махсус шароитлар ёки эҳтиёткорлик чораларини талаб қилувчи ўзига хос хусусиятларини кўрсатмасдан почтани ташиш учун топшириш.

84. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари қуйидагилар учун жавобгар бўлади:

а) бир марталик талабномаларни ўз вақтида тақдим этмаганлиги;

б) ҳаво кемаси учишининг ҳар бир кечиктирилган ҳолати;

в) ҳужжатларда кўрсатилган почта оғирлигининг ҳақиқий оғирлигига мувофиқ эмаслиги;

г) аэропорт транспортининг почта алоқаси объектида почтани юклаш ёки тушириш учун келишилган вақтдан кўп туриб қолиши.

85. Ушбу Қоидаларнинг 82 ва 84-бандларида белгиланган бузилишлар учун жаримага тортиш тартиби ва унинг миқдори қонун ҳужжатлари ва тузилган шартномаларда белгиланади.

VII боб. Шикоят ва даъволар

86. Авиакомпаниялар ёки почта алоқаси операторлари, провайдерларига нисбатан шикоятлар ва даъволар қонун ҳужжатлари ва тузилган шартномаларда белгиланган тартибда шикоятлар тақдим этилгандан сўнг кўрсатилади.

87. Авиакомпания, почта алоқаси оператори, провайдерига нисбатан даъволар ички ва халқаро ҳаво линияларида ҳодисаларнинг бошланиш вақтидан бошлаб олти ой муддатдан кечиктирилмаган ҳолда берилиши мумкин.

Жаримани тўлаш тўғрисидаги шикоятлар 45 кундан кечиктирмасдан берилиши керак.

88. Шикоятлар идоралараро далолатнома ёки CDR, IRP далолатномалари тузилган жой бўйича берилади. Почта ва почта ҳужжатлари тўлиқ йўқолган ёки йўқ қилинган ҳолларда авиакомпанияга нисбатан шикоятлар ушбу почта учун умумий юкхат юборилган почта алоқаси оператори, провайдери томонидан берилади. Почта авиаҳодисалар натижасида йўқолганда даъволар ҳодиса юз берган жойдаги аэропортга қилинади.

Шикастланган ҳолда келтирилган почта юк ташиш хизмати агенти томонидан алоқа ходимига юк ташиш хизмати агенти ва авиакомпания вакил-

ларининг имзолари, носозлик тўғрисидаги тегишли белги қўйилган депешаларни топшириш юкхати ёки юқорида кўрсатилган шахсларнинг имзолари қўйилган юкнинг шикастланиши, йўқолиши тўғрисидаги CDR, IRP далолатномалари билан топширилган ҳолатда чет эл авиакомпаниялари томонидан халқаро почтани ташишдан келиб чиққан шикоятлар чет эл почта хизмати-га берилади.

Халқаро почта юкхатдаги белгисиз ёки юкнинг шикастланганлиги, йўқолганлиги тўғрисидаги далолатномасиз топширилганда даъволар авиакомпанияга қилинади.

89. Ташиш пайтида почта ва ҳужжатлар йўқолган ҳолда рейс юкхатлари, умумий юкхатлар, жўнатиш жойидаги авиадепешаларни топшириш юкхатларининг нусхалари даъво қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

90. Даъвога қўйидаги ҳужжатлар илова қилиниши керак:

а) почта, курьерлик жўнатмалари йўқолган, бузилган (шикастланган) ҳолда: идоралараро далолатнома ёки CDR, IRP далолатномаларининг нусхалари; алоҳида ва умумий юкхатлар нусхалари, халқаро почта учун — почта, курьерлик жўнатмалари ёки буюмларига илова қилинган авиадепешаларни топшириш юкхатларининг нусхалари;

почта алоқаси операторлари, провайдерларининг фойдаланувчи (фойдаланувчилар) олдидаги моддий жавобгарлиги миқдори тўғрисидаги маълумотнома;

б) почта жўнатмасининг жойланмаси етишмаган ҳолда:

идоралараро далолатнома ёки CDR, IRP далолатномаларининг нусхалари;

томонлар вакиллари томонидан ушбу жўнатманинг жойланмаси текширилганлиги тўғрисидаги далолатнома;

хар бир почта, курьерлик жўнатмаси бўйича квитанция дафтарлари ёки шахсий компьютер операцион кундалигининг кўчирмалари асосида почта алоқаси операторлари, провайдерларининг фойдаланувчилар олдидаги моддий жавобгарлигининг миқдори тўғрисидаги маълумотнома;

в) жарима санкциялари бўйича:

идоралараро далолатнома ёки CDR, IRP далолатномаларининг нусхалари; жадвалнинг ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаганлик ҳақидаги хатнинг нусхаси.

91. Ушбу Қоидаларнинг 90-бандида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинмасдан тақдим этилган даъво уни қайтариш сабаблари кўрсатилган илова қилинган ҳужжатлар билан бирга олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда аризачига қайтарилади. Тегишли ҳужжатларсиз тақдим этилган даъволар даъво қилиш учун белгиланган муддатни тўхтатмайди.

92. Авиакомпания ва почта алоқаси оператори, провайдери берилган шикоятни кўриб чиқишга ва шикоят қабул қилинган вақтдан бошлаб уч ой давомида, бевосита аралаш транспортларда ташиш бўйича ёки бир неча ташувчилар иштирок этгандаги шикоятга нисбатан олти ой давомида ва жаримани тўлаш тўғрисидаги шикоят учун 45 кун ичида шикоят жўнатувчига уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабар беришлари шарт.

Даъво қисман қондирилган ёки рад этилган ҳолларда авиакомпания ва почта алоқаси оператори, провайдери ўзларининг жавобларида ушбу Қоидаларнинг тегишли бандларига ҳавола қилган ҳолда улар томонидан бундай қарор қабул қилинишининг асосларини кўрсатишлари шарт.

93. Агар даъво рад этилса ёки жавоб ушбу Қоидаларнинг 92-бандида белгиланган муддатда олинмаса, манфаатдор томон жавоб олинган кундан бошлаб бир ой ичида ёки шикоятга жавоб қайтариш учун белгиланган муддат тугаган кундан бошлаб, қонун ҳужжатларига мувофиқ Хўжалик судига даъво қилиш ҳуқуқига эга.

94. Авиакомпания, почта алоқаси оператори, провайдери ушбу Қоидалар ва шартномаларнинг бузилиш сабабларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни ўзаро тақдим этишлари шарт.

VII боб. Яқуний қоида

95. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти билан келишилган.

*Парвозлар хавфсизлигини
назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғи*

Т. ЎЛЖАЕВ

2013 йил 16 октябрь

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
миллий авиакомпанияси
Бош директори*

В. ТЯН

2013 йил 16 октябрь

*«Ўзбекистон почтаси»
очиқ акциядорлик жамияти
Бош директори*

Р. ҚОСИМОВ

2013 йил 16 октябрь

Ҳаво кемаларида
почтани ташиш қоидаларига
1-ИЛОВА

16-а-шаклдаги алоҳида юкхат намунаси

16-а-ш.						
_____ -сон АЛОҲИДА ЮКХАТ						
жўнатилган авиапочта учун						
_____-сон рейс Рейс санаси _____ _____ дан (жўнатиш жойи) _____ га (белгиланган жой)	Почта, курьерлик жўнатмалари ва буюмлари номи			Миқдори	Оғирлиги, кг	
	«HUKUMATGA OID» белгили қоплар					
	Устувор почта жўнатмалари жойланган қоплар					
	Курьерлик жўнатмалари жойланган қоплар					
	Тезкор почта жўнатмалари жойланган қоплар					
	Сугуртали қоплар					
	Халқаро жўнатмалар жойланган қоплар					
	Ёзма хат-хабарли қоплар					
	Даврий босма нашрлар жойланган қоплар ва боғламлар					
	«Эҳтиёт қилинг» белгили посилкалар					
Эълон қилинган қиймати энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ортиқ баҳоланган посилкалар						
Оддий ва эълон қилинган қиймати энг кам иш ҳақининг беш баробаригача баҳоланган посилкалар						
Жами.....						
Белгиланган жой	Жўнатиш жойи	Тури	Қоп (посилка) рақами	Эълон қилинган қиймати, сўм	Қоплардаги жойланма	Оғирлиги, кг
Алоҳида юкхатлар бўйича:						

(тақвим штемпели ёки жўнатиш жойи почта алоқаси оператори, провайдерига берилган муҳр изи)

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2013 й.

Ҳаво кемаларида
почтани ташиш қоидаларига
2-ИЛОВА

628-модда

16-а-шаклдаги умумий юкхат намунаси

16-а-ш.

_____ -сон УМУМИЙ ЮКХАТ
жўнатишган авиапочта учун

_____-сон рейс Рейс санаси _____ _____дан (жўнатиш жойи) _____га (белгиланган жой)		Почта, курьерлик жўнатмалари ва буюмлари номи «HUKUMATGA OID» белгили қоплар Устувор почта жўнатмалари жойланган қоплар Курьерлик жўнатмалари жойланган қоплар Тезкор почта жўнатмалари жойланган қоплар Суғуртали қоплар Халқаро жўнатмалар жойланган қоплар Ёзма хат-хабарли қоплар Даврий босма нашрлар жойланган қоплар ва боғламлар «Эҳтиёт қилинг» белгили посилкалар Эълон қилинган қиймати энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ортиқ баҳоланган посилкалар Оддий ва эълон қилинган қиймати энг кам иш ҳақининг беш баробаригача баҳоланган посилкалар Брутто Нетто Жами.....		Микдори	Оғирлиги, кг					
Белгиланган жой	Жўнатиш жойи	Тури	Қоплар (посилкалар) рақамлари	Эълон қилинган қиймати, сўм	Қоплардаги жойланма	Микдори	Оғирлиги, кг	Контейнерлар		
								рақамлар	оғирлиги, кг брутто	нетто
Алоҳида юкхатлар бўйича:										

— 30 —

48 (600)-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2013 й.

Ҳаво кемаларида
почтани ташиш қоидаларига
3-ИЛОВА

16-б-шаклдаги рейс юкхати намунаси

16-б-ш.

РЕЙС ЮКХАТИ _____
20 ____ й. _____ да жўнатилган авиапочта учун
_____ -сон рейс Рейс санаси _____
_____ дан
(почтани жўнатаётган почта алоқаси объекти номи)
_____ йўналиш бўйича
(йўналиш номи)



(тақвим штемпели ёки жўнатиш жойи почта алоқаси оператори, провайдерига берилган муҳр изи)

Ҳаво кемасининг кўниш пунктлари	КОНТЕЙНЕРЛАР		ҚОПЛАР								ПОСИЛКАЛАР			ЖАМИ		
	рақами	оғирлиги, кг		миқдори								миқдори			буюмлар	оғирлиги, кг
		брутто	нетто	«HUKU-MATGA OID» белгили	устувор почта жўнат-мали	курьерлик жўнат-мали	тезкор почта жўнат-мали	сугур-тали	халқаро жўнат-мали	ёзма хат-хабарли	даврий босма нашрли	«Эҳтиёт қилинг» белгили	эълон қилинган қиймати энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ортиқ баҳо-ланган	оддий ва эълон қилинган қиймати энг кам иш ҳақининг беш баробаригача баҳо-ланган		

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2013 й.

Ҳаво кемасининг қўниш пунктлари	КОНТЕЙНЕРЛАР			ҚОПЛАР								ПОСИЛКАЛАР			ЖАМИ	
	рақами	оғирлиги, кг		миқдори								миқдори			буюмлар	оғирлиги, кг
		брутто	нетто	«HUKUMATGA OID» белгили	устувор почта жўнатмалари	курьерлик жўнатмалари	тезкор почта жўнатмалари	суғуртали	халқаро жўнатмалари	ёзма хат-хабарли	даврий босма нашрли	«Эҳтиёт қилинг» белгили	эълон қилинган қиймати энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ортиқ баҳоланган	оддий ва эълон қилинган қиймати энг кам иш ҳақининг беш баробаригача баҳоланган		

_____ (лавозими, имзо)

_____ (лавозими, имзо)

_____ - сон рейс 20 _____ йил _____ соат _____ минутда белгиланган пунктга етиб келди.

Жами _____ буюмлар қабул қилинди.
 Ушбу юкхатда кўрсатилган «HUKUMATGA OID» белгили қоплар, устувор почта жўнатмалари жойланган қоплар, курьерлик жўнатмалари жойланган қоплар, тезкор почта жўнатмалари жойланган қоплар, суғуртали қоплар, халқаро жўнатмалар жойланган қоплар, контейнерлар, «Эҳтиёт қилинг» белгили посилкалар, эълон қилинган қиймати энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ортиқ баҳоланган посилкаларни қабул қилишда номма-ном текширилди.



(тақвим штемпели ёки жўнатиш жойи почта алоқаси оператори, провайдерига берилган муҳр изи)

_____ (лавозими, имзо)

_____ (лавозими, имзо)

Ҳаво кемаларида
почтани ташиш қоидаларига
4-ИЛОВА

628-модда

**Ҳаво кемаси билан жўнатилган почтага илова ҳужжатлари
жойланган конверт намунаси**

ТИКИШ ҲОҶ НАҲЧ	Ҳаво кемаси билан жўнатилган почтага илова ҳужжатлари жойланган К О Н В Е Р Т	33-ш.		
	Буюмлар ҳисоби			
	_____ га (почта белгиланган аэропорти номи)	Почта, курьерлик жўнатмалари ва буюмлари номи	Микдори	Оғирлиги, кг
	_____ -сон рейс Рейс санаси _____	«HUKUMATGA OID» белгили қоплар		
	_____ дан (почтани жўнатаётган почта алоқаси объекти номи)	Устувор почта жўнатмалари жойланган қоплар		
	Юкхатлар сони _____ варақ	Курьерлик жўнатмалари жойланган қоплар		
	<div style="border: 1px solid black; width: 40px; height: 40px; margin: 0 auto;"></div> _____ (лавозими)	Тезкор почта жўнатмалари жойланган қоплар		
	_____ (имзо)	Сугуртали қоплар		
	(тақвим штемпели ёки жўнатиш жойи почта алоқаси оператори, провайдерига берилган муҳр изи)	Халқаро жўнатмалар жойланган қоплар		
		Ёзма хат-хабарли қоплар		
	Даврий босма нашрлар жойланган қоплар ва боғламлар			
	«Эҳтиёт қилинг» белгили посилкалар			
	Эълон қилинган қиймати энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ортиқ баҳоланган посилкалар			
	Оддий ва эълон қилинган қиймати энг кам иш ҳақининг беш баробаригача баҳоланган посилкалар			
	Жами.....			
	Умумий оғирлиги.....			

Ҳаво кемаларида
почтани ташиш қоидаларига
5-ИЛОВА

Идоралараро далолатнома намунаси

52-ш.	
ДАЛОЛАТНОМА	
(сана, вақт)	(аэропорт номи)
Ушбу далолатнома _____ да	
(почта алоқаси объекти номи)	
_____ иштирокида	
(вакилнинг фамилияси ва лавозими, аэропорт номи)	
20__ й _____ да авиакомпания томонидан қуйидагиларда (бузилишнинг ан иқ	
(сана)	
характери, ҳаво кемаси рақами, рейс рақами, бузилиш санаси ва ҳ. к. кўрсатинг) _____	

_____ акс этган ҳаво	
транспортда почтани ташиш учун шартномада белгиланган талабларнинг бузилишига йўл	
қўйилганлиги тўғрисида тузилган.	
Далолатнома текшириш, чоралар кўриш учун тузилган ва моддий зарар ўрнини қоплаш учун	
асос бўлади.	
Алмашув пунктнинг смена бошлиғи _____	Аэропорт юк ташиш хизматининг смена (диспетчер) бошлиғи _____
(фамилияси, имзо)	(фамилияси, имзо)
Бригадир _____	Почтани қабул-қилиш топширишга жавобгар агент _____
(имзо)	(фамилияси, имзо)
	
(почта алоқаси объекти тақвим штемпели ёки почта алоқаси оператори, провайдерига берилган муҳр изи)	(аэропорт юк ташиш хизмати агентининг штамп изи)

Хаво кемаларида
почтани ташиш қоидаларига
6-ИЛОВА

**CDR юкнинг шикастланиши тўғрисидаги
далолатнома намунаси**

(CDR далолатномасининг олд томони)

Cargo-Damage Report/CDR Юкнинг шикастланиши ҳақидаги далолатнома		AWB-No Авиаюкхат рақами	
		Weight acc.to AWB	kg
		Actual weight rcvd	kg
		Difference	kg
		Фарқ	kg
Airport of Departure Жўнатиш аэропорти	Airport of Destination Белгиланган аэропорт	Flight no Рейс рақами	
Total No. of pieces Жойларнинг умумий миқдори	No. of pieces damaged Шикастланган жойлар миқдори	Last point of loading Охири юклаш пункти	
Type of packaging Ўров тип		Type of packaging — material Ўров материали тип	
Fiberboard	<input type="checkbox"/> Фибротоладан кути	Wood shavings	<input type="checkbox"/> Ёғоч қиринди
Wooden box	<input type="checkbox"/> Ёғоч кути	Sawdust	<input type="checkbox"/> Қипиқлар
Metal box	<input type="checkbox"/> Металл	Paper	<input type="checkbox"/> Қоғоз
Wooden carte	<input type="checkbox"/> Ёғоч катак	Tissuepaper	<input type="checkbox"/> Папирос қоғози
Wooden barrel	<input type="checkbox"/> Ёғоч бочка	Pads	<input type="checkbox"/> Юмшоқ қистирма
Metal barrel	<input type="checkbox"/> Металл бочка		<input type="checkbox"/>
Bale	<input type="checkbox"/> Тугун	Damage to contents Таркибнинг шикастланиши	
Sack paper	<input type="checkbox"/> Қоғоз қоп	Soiled	<input type="checkbox"/> Ифлосланган
Sack cloth	<input type="checkbox"/> Матоли қоп	Broken	<input type="checkbox"/> Бузилган
Suitcase	<input type="checkbox"/> Чемодан	Crashed/smashed	<input type="checkbox"/> Эзилган/синган
Bag handbag	<input type="checkbox"/> Халта	Rotten/wilted	<input type="checkbox"/> Чириган/сўлиган
Hoopiron	<input type="checkbox"/> Металл тасма/гардиш	Contents leaking	<input type="checkbox"/> Оқиб кетган
Nailed/sealed	<input type="checkbox"/> Михлар/пломба	Injured	<input type="checkbox"/> Жароҳатланган
Unpacked	<input type="checkbox"/> Ўровланмаган	Dead	<input type="checkbox"/> Ўлим
	<input type="checkbox"/>		<input type="checkbox"/>
Type of damage to packaging/Ўровнинг шикастланиш тури		Type of damage to packaging/Ўровнинг шикастланиш тури	
Crashed	<input type="checkbox"/> Эзилган	Wet	<input type="checkbox"/> Намланган
Broken	<input type="checkbox"/> бузилган/синган	Tape torn	<input type="checkbox"/> Тасма йиртилган
torn/ripped	<input type="checkbox"/> йиртилган/сўкилган	open	<input type="checkbox"/> Очиқ
	<input type="checkbox"/>		<input type="checkbox"/>
Damage apparently caused by/Шикастланишнинг келиб чиқиши			
Temperature (hot/cold)	<input type="checkbox"/>	Ҳароратдан (совук/иссиқ)	
Insufficient packaging	<input type="checkbox"/>	Ўровнинг номувофиқлигидан	
Improper loading	<input type="checkbox"/>	Нотўғри юклашдан	
Punch on conveyor belt	<input type="checkbox"/>	Конвейер тасмасидан	
	<input type="checkbox"/>	*	

(CDR далолатномасининг орқа томони)

When was damage first noticed / Шикастланиш биринчи марта қачон аниқланган	
in the aircraft	<input type="checkbox"/> ХК бортида
Unloading aircraft	<input type="checkbox"/> ХКга юклашда
transport to warehouse	<input type="checkbox"/> омборхонага ташилганда
on the conveyor belt	<input type="checkbox"/> конвейер тасмасида
take over transfer cargo	<input type="checkbox"/> трансфер топширишда
Break-down ULD	<input type="checkbox"/> паллет/контейнер комплектидан чиқарганда
	<input type="checkbox"/> *
Further handling / Кейинги ишлов бериш	
Outer packaging renewed	<input type="checkbox"/> Ташқи ўров алмаштирилган
Original container replaced	<input type="checkbox"/> Бошланғич контейнер алмаштирилган
Packaging retaped/recorded	<input type="checkbox"/> Боғич алмаштирилган/ бу ҳақда қайд этилган
Omorwarded	<input type="checkbox"/> Белгиланган пунктга жўнатилган
Haspiron renewed	<input type="checkbox"/> Металл тасма/гардиш алмаштирилган
Notified...(who?)	<input type="checkbox"/> хабар берилди (кимга эканлиги кўрсатилсин)
Destroyed (Customs Supervision)	<input type="checkbox"/> Йўқ қилинди (божхона ходимлари иштирокида)
Unpacked for inspection ((List of Contents attached)	<input type="checkbox"/> Юк текшириш учун очилди (таркибнинг рўйхати илова қилинади)
	<input type="checkbox"/> *
Weights, marks and number of each damaged package/ Ҳар бир шикастланган ўровнинг оғирлиги ва унга белги қўйиш	
Remarks concerning damage/ Шикастланишга тегишли изоҳлар	
Was package specially marked and how?/ Ўров махсус маркаланганми ва қандай?	
Way was packaging insufficient? / Нима учун ўров талабларга мувофиқ бўлмаган?	
Any symptoms of pilferage? Specify./ Қисман етишмаслик белгилари мавжудми? Уларни келтиринг	
Was shipment built-up in a pallet/container or though-unit?/ Юк контейнерга / паллетга ёки сочилган ҳолда юкланганми?	
If yes by whom resp. where built-up/transferred? / Агар юкланган бўлса, ким юклаган/ кимга берилган?	
Copy to: Нусха:	<input type="checkbox"/> Head Office of Operationg Carrier / Ташувчининг бош офисига <input type="checkbox"/> Airport of Departure / Жўнатиш аэропортига <input type="checkbox"/> Airport of Destination / Белгиланган аэропортга <input type="checkbox"/> Transit Station / Транзит/трансфер пунктига
AWB-Copy attached / Авиаюкхат нусхаси илова қилинган	
Day and time of inspection / Текшириш куни ва вақти	
Date and place of issue / Расмийлаштириш жойи ва санаси	
Administration Unit and Signature / Хизмат, лавозим ва имзо	
_____	_____
_____	_____
_____	_____

Ҳаво кемаларида
почтани ташиш қоидаларига
7-ИЛОВА

IRP далолатномаси намунаси

NOTICE OF NON-DELIVERY (IRREGULARITY) (IRP) ЕТКАЗИБ БЕРИЛМАГАНЛИК/БЕРИЛМАГАНЛИК ТЎҒРИСИДА ДАЛОЛАТНОМА — НОСОЗЛИК ТЎҒРИСИДА ДАЛОЛАТНОМА	
To: _____ Қаерга	Station Preparing Report: _____ IRP далолатномасини расмийлаштирган пункт
At: _____ Кимдан	Date Report prepared: _____ IRP далолатномаси расмийлаштирилган сана
Air Waybill No: _____ Авиаюкхат рақами	Place and Date of Issue: _____ Авиаюкхатни расмийлаштириш жойи ва санаси
Name of Shipper: _____ Юк жўнатувчи исми / номи	Address: _____ Юк жўнатувчи ва юк олувчининг манзили
Name of Consigne: _____ Юк олувчининг исми / номи	_____
Total Weight: _____ Умумий оғирлик	No. of Pieces: _____ Жойлар миқдори
Description of Cargo: _____ Юк тавсифи	
Details: Ташиш носозлиги характери	(Layout optional)
	_____ (Signature of Official Report / (IRP далолатномасини расмийлаштирган расмий шахс имзоси)
	_____ (Title / Лавозим)
	_____ (Address / Манзил)

Ҳаво кемаларида
почтани ташиш қоидаларига
8-ИЛОВА

**Авиатранспортда жўнатиладиган қоплар учун
CN 35 ёрлиғи намунаси**

○ Почта	қаердан	Авиа		CN 35
	___-сон депеша			га
	Жўнатиш санаси			
	Устувор / Кўп миқдордаги почта ¹			
	Жўнатмалар миқдори ²	___-сон рейс		
	Йиғимлардан озод қилинган ³ <input type="checkbox"/>	Қайта юклаш аэропорти	Тушириш аэропорти	
кг	Штрихли почта идентификатори учун жой			

¹ Қизил ёрлиқларда: Устувор — Кўп миқдордаги почта ёки LC/АО — Кўп миқдордаги почта;

Оқ ёрлиқларда: Устувор ёки LC/АО;

Ҳаво ранг ёрлиқларда: АО; белгиланган операторлар «АО» ва «М» белгили қоплар»ни ўчириш учун катакчаларни қўшишлари мумкин.

Бинафша ранг ёрлиқларда: Кўп миқдордаги почта.

² Фақат қизил ва бинафша рангли ёрлиқлар учун.

³ Фақат қизил, оқ, кўк ёки яшил ёрлиқлар учун «SV (Йиғимлардан озод қилинган)», ўчириш учун катакчаларсиз.

Ҳаво кемаларида
почтани ташиш қоидаларига
9-ИЛОВА

**S.A.L. билан жўнатиладиган ёзма хат-хабарлар
жойланган қоплар учун CN 36 ёрлиғи намунаси**

○ Почта	дан		S.A.L.		CN 36
			ер усти почта		
			ҳаво йўли билан		
	__-сон депеша				га
	Жўнатиш санаси				
	Устувор / Устувор бўлмаган — Кўп миқдордаги почта ¹ Жўнатмалар сони ²				
		__-сон рейс			
Йиғимлардан озод этилди ³ □		Қайта юклаш аэропорти	Тушириш аэропорти		
кг					
		Штрихли почта идентификатори учун жой			

¹ Қизил ёрлиқларда: Устувор бўлмаган — Кўп миқдордаги почта ёки LC/АО — Кўп миқдордаги почта.

Оқ ёрлиқларда: LC/АО.

Ҳаво ранг ёрлиқларда: Устувор бўлмаган ёки АО; белгиланган операторлар «Устувор бўлмаган (АО)» ва «М» белгили қоплар»ни ўчириш учун катакчаларни қўшишлари мумкин.

Бинафша ранг ёрлиқларда: Кўп миқдордаги почта.

² Фақат қизил ва бинафша ранг ёрлиқлар учун.

³ Фақат қизил, оқ, кўк ёки яшил ёрлиқлар учун; ўчириш учун катакчасиз «SV (Йиғимлардан озод қилинган)» яшил ёрлиқлар учун.

Ҳаво кемаларида
почтани ташиш қоидаларига
10-ИЛОВА

**Авиапосилкалар жойланган қоп учун мўлжалланган
СР 84 ёрлиги намунаси**

Почта ○	ПОЧТА ПОСИЛКАЛАРИ дан	Авиа		СР 84
	___-сон депеша			га
	Жўнатиш санаси			
	___-сон сиғим			
	Посилкалар сони	___-сон рейс		
	Қоп оғирлиги (кг)	Қайта юклаш аэропорти	Тушириш аэропорти	
		Штрихли почта идентификатори учун жой		

Ҳаво кемаларида
почтани ташиш қоидаларига
12-ИЛОВА

**CN 41 ҳаво йўли (S.A.L.) билан ташиладиган ер усти
авиадепешаларини топшириш юкхати намунаси**

Бериш мамлакатининг белгиланган оператори	ТОПШИРИШ ЮКХАТИ	CN 41					
Бериш муассасаси юкхати	Ҳаво йўли (S.A.L.) билан ташиладиган ер усти авиадепешалар						
Белгиланган муассаса юкхати	Сана _____-сон серия _____						
____-сон рейс	Жўнатиш санаси _____	Вақти _____					
Тўғридан-тўғри қайта юклаш аэропорти _____	Тушириш аэропорти _____						
Контейнердан фойдаланган ҳолда							
____-сон контейнер	____-сон муҳр	____-сон контейнер					
____-сон контейнер	____-сон муҳр	____-сон контейнер					
Талаб қилинадиган маълумотлар							
____-сон депеша	Бериш муассасаси	Белгиланган муассаса	Миқдори		Сигимларнинг брутто оғирлиги		Эслатмалар (шу жумладан «М» белгили қоплар ва/ёки сигимсиз посилкалар)
			ёзма хат- хабарлар солинган сигимлар	СР сигим- лари ва сигимсиз посилкалар	ёзма хат- хабарлар	СР	
1	2	3	4	5	6	7	8
					кг ¹	кг ¹	
Жами							
Жўнатувчи алмашув муассасаси			Транспорт компанияси/ аэропорт хизматчиси		Белгиланган алмашув муассасаси		
Имзо _____			Имзо _____		Сана ва имзо _____		



Ҳаво кемаларида
почтани ташиш қоидаларига
13-ИЛОВА

**CN 47 бўш сифимларга эга депешани топшириш
юкхати намунаси**

Бериш мамлакатининг белгиланган оператори		CN 47			
Юкхат бериш муассасаси		ТОПШИРИШ ЮКХАТИ			
Белгиланган муассаса юкхати		Бўш сифимларга эга депешалар			
Сифимлар тегишли бўлган белгиланган оператор		Сана _____-сон серия _____			
		<input type="checkbox"/> Устувор <input type="checkbox"/> Устувор бўлмаган			
		<input type="checkbox"/> Авиа <input type="checkbox"/> S.A.L. <input type="checkbox"/> Ер усти йўли			
Қайтариладиган сифимлар типи _____-сон рейс		Жўнатиш санаси _____ Вақти _____			
<input type="checkbox"/> Устувор/Авиа <input type="checkbox"/> Устувор бўлмаган/Ер усти		Тўғридан-тўғри қайта юклаш аэропорти _____ Тушириш аэропорти _____			
<input type="checkbox"/> Посилкалар <input type="checkbox"/> EMS		<input type="checkbox"/> Кема номи _____ Йўналиш йўли _____ <input type="checkbox"/> Тушириш порти _____ Компания _____			
Контейнердан фойдаланган ҳолда					
_____ -сон контейнер		_____ -сон муҳр _____ -сон контейнер _____ -сон муҳр			
_____ -сон контейнер		_____ -сон муҳр _____ -сон контейнер _____ -сон муҳр			
Ёзув					
_____ -сон депеша	Бериш муассасаси	Белгиланган муассаса	Бўш қоғлар ва бошқа қайтариладиган бўш сифимлар партиялари сони	Брутто оғирлиги	Эслатмалар
1	2	3	4	5	8
Жами					
Жўнатувчи алмашув муассасаси		Транспорт компанияси/ аэропорт хизматчиси		Белгиланган алмашув муассасаси	
Имзо _____		Имзо _____		Имзо ва сана _____	

48 (600)-сон

— 45 —

628-модда

Ҳаво кемаларида
почтани ташиш қоидаларига
14-ИЛОВА

**CN 38, CN 41, CN 47 юкхатларини топшириш
конверти намунаси**

CN 45

Тақвим штемпели

**CN 38, CN 41, CN 47 ЮКХАТЛАРИНИ
ТОПШИРИШ КОНВЕРТИ**

Тушириш аэропорти

Авиакомпания | __-сон рейс

Жўнатиш санаси | Вақти